

ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ БҮГИНИ

Д. Ҳамидов

Талаба,
Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти,
Тошкент, Ўзбекистон

Summary. This article describes how the main part of society - family, education, upbringing and how to deal with them today.

Keywords: family; nationality; web; position; teacher; ideal person.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда жамиятнинг муҳим бўғини бўлмиш оиланинг ўрни муҳимдир. Фарзанд дунёга келар экан, у биринчи онани танийди ва фақат унинг ифорини, чеҳрасини билади. Ўсиб, улгайиб борган сари онани биринчи устози деб ҳисоблайди. Барчага маълумки, шарқ мамлакатларида ота-она энг улуғ зот ҳисобланган. Ота-онанинг фарзандига бўлган муносабати, фарзанднинг эса ота-онага бўлган муносабатлари ҳақида мумтоз адабиётларимиздан тортиб, замонавий адабиётларимизда ҳам кўп бор ўқиб, ўрганганмиз. Биргина ўзбек адабиётининг биринчи реалистик романи “Ўткан қунлар”ни олайлик: Абдулла Қодирий ўзбек оиласидаги энг нозик жиҳатлар, яъни ота-она ва фарзанд муносабатларини гўзал тасвирий ифодалаб берган. Ота айтган сўзининг қонун эканлиги, унга риоя қилиш шартлиги, бу муносабатларда онанинг роли ҳам бекиёслиги бадиий жиҳатдан рўйи-рост очиб берилган. Бу бизнинг “миллий андишамиз” ҳисобланади, назаримда. Оиланинг муқаддас қўрғон эканлиги, ота-она ва фарзанднинг бир-бири олдидаги бурчлари ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб берилган. Давлатнинг бош қонуни Конституциямизнинг III бўлим, XIV боби айнан оиласида бағишлиланганлиги фикримиз исботидир. Мазкур хужжатнинг 64-моддасида, “Ота-оналар ўз фарзандлари вояга еткунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарни васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишлиланган ҳайрия фаолиятларини рағбатлади [1]”, деб берилган. Юрт равнақи учун фидоий инсонлар, муносиб авлодлар тарбиялаш бугунги қунда ота-оналарнинг олдидаги энг катта маъсулиятли вазифалардандир. Аммо ҳозирги қунда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилаларда “миллий андиша” қанчалик сақланиб қоляпти, “миллий андиша”ни ёшлар онгига сингдириш учун қандай ишлар амалга ошириш лозим?

Бу саволга турлича ёндашиш мумкин. Айб глобаллашув жараённида ривожланиб бораётган замонавий технологияларидами ёки “ўргимчак тўри” деб ном олган интернет тармоқларидами? Ёки бўлмаса қун сайин

ишлари кўпайиб, бола учун вақт ажратса олмаётган ота-оналардами? Бу каби саволлар кундалик ҳаётимизда ҳар қадамда пайдо бўлмоқда.

Бола ўз ҳукуқ, мажбуриятларини аввало, оила муҳитидан бошлади. Бунга мисол қорни оч қолганда овқат талаб қилиши, кейинчалик синглиси ёки акаси олиб қўйган ўйинчоини қайтиб олишга ҳаракат қилиши, ота-она топшириб кетган юмушларни бажариши ҳукуқий саводхонликларнинг илк босқичларидир. Бу тарбия бола мактабга чиқмасданоқ бола онгидан шаклланади. Буни тўғри йўналтириш оиласа боғлиқ. Зеро, Республикализнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ёзганлариdek, “Бу дунёда ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўзининг муқаддас орзу ва ниятига етиш учун яшайди. Агар ҳар бир оила ўз нияти йўлида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, албатта унга етишади [2]”. Зеро, ота-она инсон ҳаётидаги энг муҳим позицияни белгилаб берувчи шахсdir. Давлатимизда бу соҳалар ривожи учун Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг 47/49 сонли фармонлари билан “2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси” ни ишлаб чиққанлиги барчамизга маълум. Бугунги кунда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг бош мақсади комил инсонларни қулай шарт-шароитда яшашини тъминлашдир. Комил инсонга Азизиддин Насафий шундай таъриф берадилар: ”Билгилки, Комил инсон деб шариат ва тариқатда етук бўлган одамга айтилади ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайн: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қўйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф [3]”. Дархақиқат, бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва ёмон ишлардан чекинади. Ҳар доим эзгу ишлар қилишга тайёр туради. Бу таърифдаги баркамол инсон ҳаётдан ташқаридаги мавҳум инсон эмас, балки реал одам дейиш мумкин. Шу ўринда тарбия эсдан чиқмаслиги даркор. Ислом Каримовнинг “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу шарқона қараш ва шарқона ҳаёт фалсафасидир” [4], деган сўзлари айнан маънавий тарбия масалалари билан боғлиқdir. Бугунги кунда жамиятимизда ҳар томонлама етук, комил инсонлар сафини кенгайиши мамлакат истиқболининг муҳим қалитидар. Шунинг учун ҳам бу давлатимиз сиёсати даражасигача кўтарилимоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Жисмоний маънавий баркамол ёшлар-бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир” номли “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзланган нутқида ”Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча баҳтли яшайди”. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”, деган эдилар. Мукаммал тарбия даставвал оиласа шаклланади. Шарқда баркамол авлод тарбиясида қалб ва ақл уйғунлигига эътибор берилади. Буюк мутафаккир Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат” асарида инсон танасини шаҳарга ўхшатади. Унинг айтишича, қалб, дил - бу шаҳарнинг подшоҳи. Ақл бу шаҳар подшоҳининг вазири. “Бунга ўхшаш вақтики подшоҳ Дил вазир-Ақлнинг маслаҳати бирла иш қилса, бадан мамлакати аниг низомида бўлғусидир. Ва саодат

йўлини топиб, Ҳақ Таолонинг маърифатини ҳосил қилса, Бадан мамлакати вайрон бўлиб, подшоҳ Дил ҳам асир бўлиб, бадбаҳт ва ҳалок бўлғусидир” [5].

Ўзбек халқи ҳамиша ўз олдига буюк мақсадларни қўйиб яшаган ва эзгу орзу умидларга эришиш йўлида ҳеч қачон ўз йўлидан қайтмаган. Шунинг учун бизнинг юртимиз цивилизация ўчоқларидан бирига айланган, юртимиздан кўплаб улуғ аллома ва мутафаккирлар, Хоразмийлар, Берунийлар, Фарғонийлар, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари буюк сиймолар етишиб чиқкан. Бой тарихий Ватанимиз келажагини барпо қилишни, шу билан биргаликда ўзимизнинг “шарқона андиша”мизни сақлашни унутмайлик. Зоро, кимлигини билган, унутмаган Давлат, келажаги буюқдир!!!

Библиографик рўйхат

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси”. 2017 йил 7 февралдаги ПФ 49/47-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2005. 22-бет
3. И. А.Каримов. “Она юртимиз баҳт-у иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир”. Т.:Ўзбекистон. 2015. 198-бет.
4. И.А.Каримов “Юксак маънавият- енгилмас куч”. Т.:“Маънавият”, 2008. 62-бет
5. Ш. М. Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Т:Ўзбекистон, 2017.

